

Оби замзам масалалари

05:00 / 16.01.2017 4626

Тавоф намозидан кейин замзам сувидан ичиш

Ҳожи тавоф намозидан фориғ бўлгач, (имкон бўлса) Каъбатуллоҳ остонасини ўпиб, мултазамга ёпишиб ва юзини Каъба деворига қўйиб муродларини сўрайди. Кейин замзам суви ёнига боради ва ундан тўйиб-тўйиб ичиб, баданларига ҳам қуяди.

("Иноя", "Фатово ҳиндийя").

Замзам суви билан кафан ювиш

Баъзи ҳожиларнинг табаррук ниятида кафан матосини замзам суви билан юваётганини кўрамиз. Унда ҳеч қандай зарар йўқ, балки хайру баракага сабабдир.

("Фатово Раҳимийя", "Фатово Маҳмудийя", "Руҳул баён").

Замзам суви билан таҳорат ва ғусл қилмоқ

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам, саҳоба ва мужтаҳид имомларнинг замзам суви билан таҳорат ва (жунубликдан бошқа ҳолатда) ғусл қилганликлари тўғрисида ривоятлар мавжуд. Шунинг учун бундай қилиш бекароҳат жоиз ва дурустдир.

("Ғунятун носик", "Авжазул масолик", "Фатово Раҳимийя")

Замзам суви билан истинжо қилиш

Замзам сувини истинжо қилишда ишлатиш ёки у билан жунублик ва ҳайзу нифосдан сўнг ғусл қилиш одобга хилоф ва макруҳдир. Чунки унда ҳақиқий(кўз билан кўриладиган) нажосатни ювишга тўғри келади. Албатта, қаттиқ зарурат туғилганда бундай қилишга рухсат бор. Яна замзам сувини нопок жойга тўкиш ҳам беодобликдир.

("Ғунятун носик", "Фатово Раҳимийя").

Замзам сувини тик турган ҳолда ичиш

Оби замзам ичишда суннат тариқаси қибла тарафга қараб тик туриб ичилади. Ҳазрат соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам туриб ичганлар ва ичиш вақтида ўзининг муродларини ўйлаб туради.

Замзам сувини ўтириб ичиш керакми ёки тик турган ҳолда ичса ҳам бўлаверадими? "Ҳажжатул вадоъ" китоби соҳиби мутлақ сув шу жумладан замзам сувини тик туриб ичиш жоизлиги ёки жоиз эмаслиги ҳақида тахминан етти хил қавлни нақл қиладилар. Бу қавлларнинг ичида энг муътадили, сувни тик туриб ичиш зарарли бўлгани учун ҳадисларда ундан қайтарилган, лекин замзам сувида зарар бўлмагани боис уни тик турган ҳолда ичиш ҳам мумкин, деган қавлдир. Муфти Тақи Усманий ҳам "Инъомул борий" номли китобларида айтадиларки, таҳқиқли сўз шуки замзам сувини тик турган ҳолда ичиш афзал эмасдир. Оддий сувни ўтириб ичиш афзал бўлганидек буни ҳам ўтириб ичиш афзал. Тик туриб ичиш агарчи жоиз бўлса-да, макруҳи танзиҳийдир. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг уни ҳаж мавсумида тик турган ҳолда ичганларига келсак, у ерда ўтиришга жой бўлмаганлиги ёки жамоатга замзам сувидан ичаётганларини кўрсатиш мақсадида эди. Хуллас, ҳар икки китоб соҳибларининг сўзидан бир хил натижа чиқади. Демак, замзам сувини тик туриб ичиш жоиз бўлса ҳам, лекин ўтирган ҳолда ичиш афзал экан.

Замзам сувидан ватанга олиб келиш

Аллоҳ таоло замзам қудуғини туганмас барокатли қилиб яратган. Унинг сувига ғизо(таом) ҳамда ҳар қандай беморликка шифо бўлишлик хусусиятини берган. Шу сабабли қариндош-уруғлар, ёру биродарлар ҳам унинг баракотидан баҳраманд бўлиши учун ҳожилар ундан ўз ватанларига олиб келмоқлари суннат ва мустаҳабдир. Чунки Расули акрам соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳам замзам сувидан олиб кетганлари, ундан беморларга ичирганлари, шунингдек, Ҳасан ва Ҳусайн розийаллоҳу анҳумоларни замзам суви билан таҳник қилганлари (танглайини кўтарганлари) ривоят қилинган.

("Сунани Термизий", "Раддул муҳтор", "Ломиъуд дарорий")

Замзамга оддий сув қўшиш

Сир эмаски, жуда кўп ҳожилар ватанларига қайтгач, ўзлари билан олиб келган замзамга оддий сув қўшиб, ундан ёру дўстларига табаррук тарзда улашадилар. Шундай савол туғилади: оддий сув қўшилгандан кейин ҳам уни замзам деб аташ мумкинми?

Оддий сувга бир томчи бўлса ҳам замзам қўшилгандан сўнг уни баракотли сувга айланишида ҳеч қандай шубҳамиз йўқ, лекин бу унинг замзам деб аталиши учун асос бўла олмайди. Фиқҳий қоидаларга кўра, оддий сув замзамдан ғолиб(кўпроқ) бўлса, уни замзам деб аташ ҳамда замзам деб ичириш дуруст бўлмайди. Албатта, агар замзам ғолиб бўлса, уни замзам суви дейилаверади. Масалан, сутга сув қўшилса ва сув сутдан ғолиб бўлса, у шаръан сутлик доирасидан чиқади. Ҳатто, болага бирор хотиннинг сутига сутидан зиёда сув қўшиб ичирилса, бу билан шаръий тарзда разоат(эмиш), яъни она-болалик собит бўлмайди.

Демак, оддий сувга замзам қўшилса ва у оддий сувдан камроқ бўлса, уни замзам деб эмас, балки замзам аралашган баракотли оддий сув деб ичириш мақсадга мувофиқ бўлади.

("Ҳидоя" асосида).